
ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ҚАДАМЖОЙ ТУМАНИ ҲОКИМИ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ФАРҒОНА ТУМАНИДА БҮЛДИ

Кирғизистоннинг вилоятимиз билан чегарадош Баткен вилояти Қадамжой тумани ҳокими Кутпидин Шакиров бошчилигидаги делегация Фарғона туманида бўлди.

Фарғона тумани ҳокими Ҳамидулло Иномов, туман секторлари раҳбарлари билан бирга қирғизистонлик меҳмонларни қабул қилди.

Самимий мулоқот чоғида Фарғона ва Қадамжой туманлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, таълим ва маданий-гуманитар, қишлоқ хўжалиги соҳаларида алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди, ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашувда давлатларимиз раҳбарларининг юксак сиёсий иродаси натижасида ҳалқларимиз ўртасида азалий дўстлик ва қардошлиқ ришталари қайтадан кучайиб бораётгани, чегараолди ҳудудларнинг ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-10 18:56:22